



МИЛИЦИОНЕР НЕГА ҲАЛОК БЎЛДИ?

Шу йил 20 август куни колхоз бозорида рўй берган машъум ҳодиса ҳақидаги хабар бир зумда Урганч шаҳрига тарқалди. Икки безори куппа-кундуз куни одамларнинг кўзи олдида, мева-чева расталари ёнида милиционернинг кўкрагига пичоқ санчиб ўлдиришди. Бу ҳақдаги оператив маълумотда шундай дейилган:

«Тахминан соат 16.10 да Урганч шаҳридаги колхоз бозорида жамоат тартибини сақлаш бўйича хизмат вазифасини ўтаётган, 1962 йилда туғилган, Урганч шаҳар ИИБ пост-соқчилик хизмати ротасининг милиционери милиция сержанти Жуманазар Раимович Ражабов кўкрагига санчилган пичоқ жароҳатидан ҳалок бўлди. Милиция кўрган оператив чоралар натижасида пичоқ урган киши Урганч шаҳар, Бозор кўчаси, 17-уйда яшовчи 2-гурӯх ногирони Исмоилов Рустам эканлиги аниқланди».

Дастлабки суриштирув натижаларидан маълум бўлишича, қисавурлиги учун илгари судланган ва милиция томонидан бир неча бор огоҳлантирилган Р. Исмоилов кейинги пайтларда бозорнинг «кунда-шунда»сига айланиб қолган. У ҳар куни қўшни вилоятлардан мева-чева олиб келганлар атрофида гирдиқалалак бўла бошлади. Бу устамон қисавурни «иш» устида қўлга тушира олмаган милиция ходимлари уни бир неча бор бозор ҳудудидан ҳайдаб чиқаришди. Лекин Рустам яна келарди. Шунинг ҳам айтиб ўтиш керак-

ки, қонун бўйича чўнтаккасар пулни қўлида ушлаб турган пайтда ушланиши шарт. Акс ҳолда унинг ўғрилигини билсангда, фойдаси йўқ. Ҳеч нима қила олмайсан. Бу, менимча, ўтакетган адолатсизлик.

Воқеа содир бўлган куни Самарқанд вилоятидан бозорга картошка туширилди. Арзон сотилаётгани учун бир зумда одам кўпайди. Уғрига эса шу керак. Р. Исмоилов ўзини одамлар орасига урди. Бунинг кўрган милиция ходимлари сержантлар Жуманазар Ражабов, Арслон Собиров, Одилбек Раҳимовлар Рустамни ёнига чақиришди.

— Нима қилиб юрибсан бу ерда, картошка олмасанг.

— Олмоқчиман, — деди Р. Исмоилов кўзини лўқ қилиб, — нима ишларинг бор?

— Ахир, қўлингга картошка соладиган ҳеч вақо йўқ-ку!

— Сизларга нима, тартиб бузаётганим йўқ, ишларингни қилинглар.

— Бузаяпсан, қани бу ёққа юр-чи!

Уни бозордаги участка назоратчисининг хонасига олиб келишди. Ичкарига киргач, Р. Исмоиловнинг кўчадаги мард-лигидан асар ҳам қолмади.

— Майли кетаман, лекин мендан кўрадиганингни кўрасанлар, — деди чиқиб кетаркан.

Милиционерлар бу гапга қўл силтаб қўя қолишди. Бунга ўхшашини кўп эшитишганда. Шунинг учун бамайлихотир бозор ҳудудини айлана бошлади.

Пешинга яқин милиционер-

ларнинг ёнига ўрта ёшлардаги бир одам яқинлашди.

— «Болалар дунёси» олдида бир тўда бола уришяпти, — деди қўли билан дўкон томонини кўрсатиб.

Сержантлар А. Собиров ва С. Раҳимовлар ўша томонга югуриб кетишди. Жуманазар Ражабов эса шу ерда қолди. Ваҳшийликка жазм қилган Р. Исмоилов укаси Эркин Исмоилов билан ёлғиз қолган Жуманазарга номардларча ҳужум қилишди. Укаси милиционернинг қўлларига ёпишиб, уни бир муддат маҳкам ушлаб турди. Худди шу пайтда Р. Исмоилов ўзининг қабиҳ ниятини амалга оширди ва зум ўтмай кўздан ғойиб бўлди. Оғир яраланган сержант кўкрагини чангаллаганича яқинроқдаги сартарошхона томон юра бошлади. Эшикдан кириб деворга суянганча сартарошга: «Дўхтирга телефон қилинг», — деди-да, кесилган дарахтдай ерга қулади. Телефон орқали чақирилган «Тез ёрдам» етиб келганда, Жуманазар аллақачон ҳаётдан кўз юмганди.

Қотиллик куппа-кундуз куни, одамларнинг кўз ўнгиде содир бўлди. Лекин бирон киши милиционерга ёрдам беришга, унинг ёш жонини сақлаб қолишга ҳаракат қилмади, биров ачинаб, биров лоқайдлик билан қараб, воқеанинг ривожини кутди. Нега шундай бўлди? Нега одамлар ҳатто гувоҳлик беришини ҳам исташмади? Тартиббузарлар билан рўпара келганда, бу саволларни ўз ўзимга кўп берганимман. Лекин жавобини тополмадим. Одам-

лар лоқайд, ўзаро оқибат кўтарилиб кетди, деган гапларни кўп эшитамиз. Бунинг сабаби лоқайдлик ёки меҳроқибатнинг йўқолганида эмас, балки қонун-қондаларимизнинг камчилигида эмасмикин? Тўғри бепарво одамлар ҳам оз эмас, лекин виждонли, бировнинг дардига қарамайдиганлар ҳам кўп. Бозордаги воқеа содир бўлган жойда мева-чева, белкуррак дастаси, темир-терсак, занжир каби уй-рўзгор асбоблари билан савдо қилаётган кишилар, шунингдек, харидорлар ҳам кўп эди. Бориники, бу кишилар пичоқ билан қўролланган безорига қарши боришга ботина олмади, дейлик. Унда мева-чева тўла челақ ёки белкуррак дастаси биланми безорининг бошига уриб, қотилликнинг олдини олиш мумкин эди-ку. Лекин нега шундай қилишмади? Чунки қонун бунга йўл қўймайди. «Постда» рўзномасининг шу йил 22 август сониде босилган Алп Эрдоннинг «Қонун кўролми ёки кишан» сарлавҳали мақоласида айтилгандай қаттиқроқ урса, терговчи-га сўроқ бериши, ҳатто қамалиши ҳам турган гап. Урган пайтда эса ҳеч ким зарбанинг секин ёки қаттиқ тегишини ҳисобга олиб ўтирмайди. Шунинг учун ҳам Алп Эрдон мақоласидаги қонунлар замонамиздан орқада қолган, деган фикрга мен ҳам қўшиламан. Қонун мажмуаси қайта кўриб чиқилиши ҳамда халқ муҳокамасига тақдим этилиши керак.

К. ОСТОНАЕВ,
Хоразм вилояти.

СЕМИНАР-КЕНГАШ ЎТКАЗИЛДИ

Чиноз тумани ички ишлар бўлимида ходимларнинг иш, дам олиш ва яшаш шароитларини яхшилаш борасида тилга тушгудек ибратли тадбирлар амалга оширилмоқда.

— Кўплашиб ИИБга янги бино қурдик. Унда шинам хоналардан ташқари мажлислар зали, тир, сауна мавжуд, — дейди бўлим бошлиғи милиция подполковниги С. Темиров. — Баҳаво Чирчиқ дарёси ёқасида эса ҳордиқ чиқариш чорбоғи (зонаси) яратилди. Ерданчи хўжаликда 30 бош қўй ва 10 бош новвос боқилмоқда. 0,5 гектарли борда етилган мева-чевалар ҳам ходимлар дастурхонига тортиқ қилинмоқда. Охир-оқибатда тумандаги оператив вазиятнинг яхши-ланишига, уч йилдан бери қаторасига жинойтчилик сонини камайиб боришига таъсир ўтказётган бу тадбирлар ҳаётийлигини таъминлашда ИИБ жамоатчилиги Кенгашининг ўрни катта бўлмоқда.

Тошкент ва Сирдарё вилоятлари ички ишлар идоралари жамоатчилиги Кенгашлари раисларининг семинар-кенгаши бежиз шу туман биносиде ўтказилмади. Урганишга, энг муҳими татбиқ этишга арзигулик ишлар бор эди.

Семинар-кенгашда Ўзбекистон ички ишлар вазирлиги шахсий таркибини ижтимоий, ҳуқуқий ҳимоя қилиш ва тарбиялаш бошқармаси бошлиғи ўринбосари ички хизмат полковниги М. Иванов маъруза қилди. У диққат-эътиборни интизомни мустаҳкамлашга, социалистик қонунчиликка қатъий амал қилишни таъминлашга қаратди. Жамоатчилик Кенгашларининг бу борадаги вазифасига алоҳида тўхталди. Бироқ ҳамма ерда ҳам мазкур масалага биринчи даражали вазифа сифатида қаралмаётганини таъкидлаб ўтди.

Музокарада қатнашган Ш. Низомов, С. Темиров, У. Элибоев, Р. Умаров ва бошқалар ички ишлар идораларида фирқа ташкилотлари фаолияти тўхтатилгани муносабати билан жамоатчилик Кенгашлари шахсий таркибини тарбиялаш, ҳимоялаш ва унинг шароитини яхшилаш борасида муҳим бўлганга айланганини алоҳида уқтириб ўтишди. Шунингдек, ходимларда топширилган ишга масъулиятни оширишдаги, хизмат интизомини кучайтиришдаги роли ўсганлиги кўрсатилди.

Семинар-кенгашда жамоатчилик Кенгашларининг тузилиш таркиби тасдиқланди, тахминий иш режаси тарқатилди. Шу билан ҳар томонлама фойдали йиғилиш ўз ишини тугаллади.

Ғ. ЖУРАЕВ.

ПУЛТОПАРЛАР

ИШ УСЛУБИ

Боғот тумани марказида яшаб, ҳарбий комиссариатда қоровул бўлиб ишлайдиган Ғоибназар Сапоев бебилиска пул топишнинг осон йўлини «кашф» этди. Таниш-билишлари орқали «Рус ароғи» топиб, «шапка»си билан пуллашга одатланди. 20 шиша шундай ароғни фуқаро Раҳматулла Раззоқовга 18 сўмдан сотиб, 161 сўм «соф даромад» олишини режалаштирганди. Лекин қўлга тушиб қолди. Унинг уйида яна 6 шиша «Рус ароғи» топилди.

Шу туманнинг И. Дусов номли жамоа хўжалигида яшаб, шу ерда ижарачи бўлиб ишловчи Барган Худойберганов ҳам пултопарликда донг таратди. Ҳатто Ғ. Сапоевдан ўзиб кетди.

Шу йил 20 июль куни фуқаро Илҳом Рўзиматовга 400 қути «Родопи» сигаретасини 920 сўмга пуллаётганида милиция ходимлари томонидан ушланди.

Уйи тинтув қилинганида, 360 қути «Родопи» ва 950 қути «Опал» сигареталари яшириб қўйилгани аниқланди.

Саъдулла БОБОВЕВ.



Дмитрово посёлкаси Боёвут туманидаги энг йирик манзилгоҳлардан бири ҳисобланади. Милиция лейтенанти Абдусалом Ғафуров гарданига посёлкадаги 8500 киши тинчинини сақлаш юклатилган. Вазифа мушкуллигини яхши англаган Абдусалом кўпчилик кўмагига

таяниб иш кўрмоқда.

СУРАТДА: Боёвут тумани ИИБ участка вакили милиция лейтенанти А. Ғафуров ёрдамчилари Баҳодир Тилабов, Илҳом Каримов, Холмуҳаммад Қодировлар билан.

Ҳ. Шодиев олган сурат.

ТУЛ ЕТИМ ҚОЛДИ

Абдурахмон уч марта ёшиқ зона «лаззат»ни сурганлардан. Илк бор ўртачирчиқ тумани халқ суди унга ЖМнинг 204-моддаси 3-қисми, 88-моддаси «Б» банди билан 4 йилга «йўлланма» берганди. Иккинчи марта Бекобод шаҳар халқ суди бир йилга, охириги сафар Хўжанд шаҳар халқ суди томонидан бир ярим йилга озодликдан мосуво этилди. Шу йилнинг май ойида симтўсиққа ўралган «гўша»ни тарк этган Абдурахмоннинг умуман тарбияланмаганлиги маълум бўлиб қолди. Бирон ишнинг бошини тутмаганига яраша ҳовлида ётган чўшни олиб қўйя ҳам демасди.

Орадан бир ой ўтмасдан соғинчлар унутилди, сал гапга сочлари тиккайдиган бўлди. Сим ортидаги насихатларга кекирдагига

хотининики сира ёқмасди. Энди арзимаган нарсаларга тажонгашарди. Навбатдаги жанжал ҳам икки-чирдан чиқди. Муборак қизини уришди. Абдурахмонга эса тегиб кетди. Даҳанаки жанг шу даражага етдики, тавбасига таянмаган эр ошпишқоқни Муборакнинг қўсига санчди. Қилган ишининг даҳшатини сезгач, ёрдам сўраб қўшниникига зинғиллади. Аммо кеч эди. Бехато урилган зарба икки гўдакни она дийдоридан жудо айлади.

Аслида-ку на жамиятга, на ота-она, на фарзандларига заррача фойдаси тегмаган Абдурахмон ўлганида эди, болаларнинг кунин ўтарди. Чунки отасиз етим-гул етим, онасиз етим-тул етим, деган қадимгиларнинг гапи бор.

Муҳаббат ХОН.

ЖУРЪАТ

рига кириб яширинган эди. Шу пайт ёнимга бир машина келиб тўхтади. Фуқаро кийимдаги милиция майори Эргашали Мираҳмедов тушдида, шошилиб мендан сўради.

— Ҳозиргина бир йигит қайси уйга кириб кетди?

— Мен ҳам ўшанинг орқасидан қувиб келувдим, лекин қайқа қойиб бўлганини сезмай қолдим, — дедим.

Милиция майори эса рўпарадаги уйга кириб кетди. Унинг ортидан: «Эҳтиёт бўлинг, у қуролланган бўлиши ҳам мумкин!» — дейишга улгурдим холос.

Орадан анча-мунча вақт ўтиб кетди. На изқувардан, на ўғридан дарак бор. Хавотир олиб, боғи уйга мен ҳам кирдим. Лекин ҳеч ким

йўқ экан, қайтиб чиқдим.

Бир вақт Эргашали ўғрини қўлини қайирганча олиб чиқди. У Бағдод туманида яшовчи Ю. Усмонов деган шахс бўлиб, «Болалар дунёси» дўконидан нархи 14 сўм турадиган эркалар кўйлагини ўғирлаб чиққан экан. Уни дўкон сотувчиси билан бирга ИИБга олиб бориб топширдик.

— Уша кунини сизга ёрдам ҳам беролмадим, роса қаршилиқ кўрсатган бўлса керак-а? — деб сўрадим кейинчалик.

Милиция майори эса енгилгина кулиб қўйди.

— Ҳа, осон бўлмади.

Туман ИИБ балоғатга етмаганлар билан шуғулланувчи назорияти ходими Эргашали Мираҳмедов ана шундай журъатли одам.

Хусанбой ҚОСИМОВ,
Бувайда тумани.

Лойтўсқич фoш этди

Оператив гуруҳ аъзолари ДАН, участка инспекторлари кўмагида тумандаги барча лой тўсқичи тушиб қолган машиналарни назардан ўтказдилар. Бироқ натижасиз.

— Қандай таклифингиз бор, — сўради бошлиқ.

— Қўшни Учқўрғон тумани автохўжалиklarини кечиктирмай текшириш керак. — Сизлар жўнайверинглар. Мен етиб боргунингизга қадар ҳамкасбларимизни огоҳлантираман. Улар ҳам ёрдам беришади.

Икки туман ИИБ ходимлари ҳамкорликда ишга киришилди.

Ленин номли жамоа хўжалигига қарашли «Газ-51» улови кўздан кечирилганда, юкдоннинг ўнг томонидаги лой тўсқичи йўқ эди. Хайдовчига гўнг ичидан топилган лой тўсқичи кўрсатилганда, у шу машинага тегишли эканини тан олди.

— Ҳамқишлоғим похол олиб келамиз, деб илтимос қил-

ганди. Шу боис Калинин номли жамоа хўжалигига бордик. Қоронғи эди. Акрам шериги билан кетди. Мен эса айтишган жойида кута бошладим. Бир соатлардан кейин улар икки бош молни етаклаб келишди. «Тоғам жуда ҳотамтой. Похоти йўқ экан, молини берворди», — деди ҳамқишлоғим.

— Бузоқларни қаерга туширдигиз?

— Наманганда бир чолни-кига...

— Кўрсатиб бера оласизми?

— Ҳа.

Хайдовчи адашмай чолнинг уйини топди. Ҳовлида иккита бузоқ ва от турарди.

Кеч бўлишига қарамай жабранувчига бузоқлар кўрсатилди. У дарров ўзининг молини таниди.

Сўнг З. Жамолдиннов сўроқ қилинди. У жониворларни Акрам деган танишидан ҳар бирини 400 сўмдан, отларни 500 сўмдан сотиб олганини айтди.

Бозор нархидан 2-3 баравар арзон. Сўроқ материаллари билан бошлиқ танишиб чиқди.

— Булар, — деди терговчи, — 2-3 киши эмас, балким катта гуруҳ. Унга «малакали» жиноятчи бошчилик қилаётганга ўхшайди. Акрам орқали уларга чиқиш керак.

Бошлиқ унинг фикрини маъқуллади. Икки кундан сўнг Акрам ва унинг шериги Уш вилоятининг Бурганди қишлоғида яшовчи, муқаддам беш марта судланган Бусурмонқул Қорахонов қўлга олинди. Мол ўғрилари терговчининг моҳирлиги билан қўйган саволлари ва ашъвий далиллар олдидан айбларини тўла тан олишди.

Ун кишидан ибрат жиний гуруҳга Б. Қорахонов бош экан. Тўданинг олти аъзоси жумҳуриятдаги ва Россия Федерациясидаги махсус муассасаларда жазо

муддатини ўтаётган экан.

Жиноят очилди. Бироқ М. Тожибоев бу билан ки-фояланмади. У вилоятда содир этилган барча мол ўғирлигига боғлиқ жиноятлар билан қизиқди. Уша кунийқ Косонсой туманидаги «Дўстлик» жамоа хўжалигида яшовчи фуқаронинг 2 бош бузоғи, 3 бош қўйи ўғирланганлиги ҳақида хабар олинди. Акрам ва Бусурмонқулларни чақиртирди. Гапни узоқдан бошлади.

— Сизлар Совет, Топариқ туманларида ҳам бўлган экансизлар-да...

— Бизга яна қандай иш-ни ёпиштироқчисиз?

— Ҳали имкон бор. Яхшилаб ўйлаб кўринглар! — У шундай дея соқига: «Олиб чиқинг», — деб кўрсатма берди.

Икки кун ўтгач, жиноятчиларнинг ўзлари терговчи билан учрашишга хоҳиш билдиришди.

Шундай қилиб жиний иш судга оширилди. Қонунбузарлар қилмишига яраша жазоландилар.

М. НЕЪМАТОВ.

ЎРТАДА САРСОН ПИЧОҚ

Кейинги пайтларда кўпгина кадриятларимизни бой берганимиз рост. Аммо, шукрки, шарқона тарбиянинг муҳим жиҳатлари онгимизни тарк этганича йўқ. Шулардан бири-андиша. Айтайлик, бизда отаболанинг бирга ўтириб, спиртли ичимлик истеъмол қилишлари ниҳоятда катта гуноҳ саналади. Ҳаттоки байрам кунларими ёки меҳмон кутилгани тўғрисидаги ўғил озгина ичган бўлса, шу кунини илжори борича отаси билан рўбару келмасликка ҳаракат қилади. Чунки отаси тўғри тушуниб, уни койимасда, ўртада андиша бор.

Афсуски, ён-атрофимизда сархушликни андишадан устун кўрадиганлар ҳам йўқ. эмас экан.

Тошкент туманидаги Кўктерак посёлкасида истиқомат қиладиган Алексей Викторов маош олди, отаси Владимир Викторов эса нафақа пулини. Энди буни «овиш» керак.

Отаси 5 литр пиво олиб келди, ўғил эса 2 шиша самогон. Кейин ўтириб, «маза қилиб» ичишди. Кўп ўтмай ичкилини уларнинг ҳар иккисига ҳам роҳат-фароғат бағишлади.

Бу «роҳат-фароғат» кўпга чўзилмади. Ўртада кўтарилган жанжалга Владимир Михайловичга Улуғ Ватан уруши қатнашчиси бўлганлиги учун ажратилган хонадон баҳона бўлди. Алексей ўз падари буз-

рукворини куракда турмайдиган даражада уятли сўзлар билан ҳақорат қилиб ташлади. Кейин қўлига тушиб қолган таёқ билан урди.

Ўз навбатида ўз пушти камаридан пайдо бўлган фарзандидан ҳақорат эшитиш ва таёқ ейиш отани ҳам кутуртириб юборди. Стол устида турган ошхона пичоғини олиб, унинг қўлидан яралади. Кейин пичоқ ўғилнинг қўлига ўтди ва ота қорнига икки марта санчилди.

Ниҳоят, инсофга келиб, жанжал-суронни бас қилишди. Яна жойларига ўтириб, ортиб қолган пивою самогонни охиригача симиришга тутиндилар. Кейин ётиб ухлашди.


Эрта тонгда Владимир Михайловичнинг оғриқ зўридан инграши ҳаммани уйғотиб юборди.

— Кечаси кайф устида сезмаган эканмиз, — дейди Алексей суд мажлисида. — Уйғониб қарасам, отамнинг аҳволи чатоқ. Қорнидан ичаклари чиқиб ётибди. Зудлик билан шифохонага жўнатдим.

Хайрият, соғайиб чиқди...

Ҳа, отаси соғайиб уйга келди. Лекин ўғил туман халқ суди ҳукмига биноан ЖМнинг 88-моддаси «Б» бандида этироф этилган жиноятни содир қилгани учун ўзига қадрдон бўлган темир панжара ортига 4 йил муддатга жўнади.

Маҳкам ҲАКИМОВ.

ФАЛОКАТ—
ЧЎНТАКНИНГ
ЭГОВИ

Қимматчилик ва тақчиллик ҳукмронлик қилаётган ҳозирги даврда ДАН ходимларига ҳам осон бўлмапти. Чунки авваллари содир этилган автоўқнашув ҳолатларини расмийлаштириш бир мунча енгил кечган бўлса, ҳозир умуман бунинг акси. Чунки кўп ҳолларда қонунбузар хайдовчи нотўғри кўрсатма бериб, сувдан қуруқ чиқмоқчи бўлади. Сабаби эса маълум. Сиз суратда кўриб турган, олд қаноти бироз пачақланган «ВАЗ-2108» автомашинаси хайдовчисининг айтишича, уни таъмирлаш учун камида 1000 сўм сарфлаш керак бўларкан. Ана энди «Москвич»га кетадиган харажани ҳисоблаб олаверинг. Шундай бўлгач, улов эгаларининг қуноққондан чиқишлари табиий. Бу эса инспекторнинг ҳам асабларини ҳолдан тойдиради. Аммо ўз бурчига содиқ посбонлар ҳар қандай чигал масалани ҳам ҳотиржамлик билан адолатли ҳал қилмоқдалар.

И. МИНАВВАРОВ.

СУРАТЛАРДА: Тошкент шаҳар ИИБ ДАН инспекторлари милиция старшиниси Сергей Плешаков (юқориде) ва милиция катта сержанти Маъмуржон Бекназаровлар хизмат пайтида.

Суратларни муаллиф олган.

